# ШАРТНОМА № 13/2022

## (АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВ УТКАЗИШ ТУГРИСИДА)

«05» апрел 2022 йил

Фаргона ш.

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 6 декабрда №1062-сонли ракам билан давлат руйхатидан утган, Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан "Аудиторлик ташкилотларининг реестри"га киритилган Фаргона шахридаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги **"MEZON AUDIT PERFECT"** аудиторлик ташкилоти номидан рахбари Салиев И.А. (кейинги уринларда "Иш бажарувчи" деб юритилади) бир томондан ва «OMONXONA» масъулияти чекланган жамияти

(ташкилот номи тулик ёзилади)

иккинчи томондан уз Низомига асосан иш юритувчи корхона рахбари Ш. Эргашев

(рахбар фамилияси, исми)

(кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритилади) ушбу шартномани куйидагича туздилар.

### I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Шартноманинг асосий максади "Буюртмачи" томонидан тавсия этилган ва такдим этилган бирламчи хужжатлар асосида аудиторлик текширув утказишдан иборат

1.2."Буюртмачи"ни топширигига асосан "Иш бажарувчи" куйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) **Корхонанинг 2021 йил молиявий-хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утказиш ва аудиторлик хулосасини бериш**

(аудит текшируви максади ёзилади)

1.3. "Буюртмачи"нинг талабига кура оралик текширувлар ва йилнинг якуни буйича аудиторлик хисоботларни топшириб бориш, "Буюртмачи" эса мазкур шартнома шартларига асосан бажарилган хизматлар учун туловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.4. Аудиторлик текширишни бошланиши «11» апрел 2022 йил.

тугалланиши «25» апрел 2022 йил.

1.5. Хизматлар киймати 2 980 000 (икки миллион тўққиз юз саксон минг) сум (15% ККС билан бирга) микдорида белгиланади.

### II.ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. "Буюртмачи"нинг хукуклари:**

а) мазкур шартномага асосан утказилган текшириш натижалари юзасидан аудитор хулосасини олиш.

б) бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий хисоботни тузиш тартиби тугрисида хамда аникланган тузатиш юзасидан "Иш бажарувчи"дан маслахатлар ва тавсиялар олиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

а) "Иш бажарувчи"нинг талабига кура оператив бухгалтерия хисоби буйича маълумотлар, синтетик ва синтетик бирламчи хужжатлари, режалар ва бошка зурурий хужжатларни такдим этиш.

б) аудиторлар ишлаши учун алохида хоналар, телефон, компьютерлар ва темир сейфлар ажратиш.

в) зарур холларда моддий жавобгар шахслар ва уз мутахассисларини аудиторлик текширувида иштирок этиш учун таъминлаш.

г) аудит текшируви давридаги аникланган бухгалтерия хисоби юритиш ва молиявий хисоботни тузиш коидаларини хамда соликлар ва бошка мажбурий туловларни хисоблаш тартиби, хатоликларни бартараф этиш.

д) курсатилган хизмат хакини ушбу шартнома шартлари асосида белгиланган муддатида тулаб бериш.

**2.3. "Иш бажарувчи"нинг хукуклари:**

а) аудиторлик текшируви утказиш тугрисида карор кабул килиш учун, "Буюртмачи"нинг таъсис хужжатлари, "Хисоб сиёсати" хамда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботлар билан олдиндан танишиб чикиш.

б) аудиторлик текширув утказиш шакллари ва усулларини мустакил белгилаш.

в) аудиторлик текширув утказиш учун "Буюртмачи" амалга ошираётган молия-хужалик фаолияти билан боглик хужжатларни тулик хажмда олиш, ушбу хужжатлардаги мол- мулкларни мавжудлигини хамда хар кандай мажбуриятларни амалдаги холатини текшириш.

г) аудиторлик текширув утказиш давомида юзага келган масалалар юзасидан моддий жавобгар шахслардан огзаки ва ёзма тушунтириш хатлари олиш хамда зарур булган кушимча маълумотлар олиш .

д) учинчи шахслар томонидан ёзма тасдикланган ахборотни "Буюртмачи"дан олиш.

е) ишончли аудиторлик текширувини тузиш учун зарур ахборотлар "Буюртмачи" томонидан такдим этилмаган такдирда аудит утказишдан бош тортиш.

**2.4. "Иш бажарувчи"нинг мажбуриятлари:**

а) "Буюртмачи" ички мехнат тартиби коидаларига риоя килиш.

б) хизматлар курсатишда конуний объектив усуллари ва воситалар куллаш, уз аудиторлик хисоботи хулосаларини хужжатли тартибда мустахкамлаш.

в) аудиторлик текширув давридаги "Буюртмачи"нинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор килмаслик.

г) "Буюртмачи"нинг суровларига асосан аудит текширувини утказиш чогида, конун хужжатларини талаблари тугрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланган конун хужжатлари нормалари тугрисидаги ахборотни такдим этиш.

д) "Иш бажарувчи" текширши утказилган даврни назорат килувчи органлар томонидан текширилганда тулик катнашиш ва буюртмачи манфаатларини тузилган аудит хисоботи буйича химоя килиш.

## III. ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Бажарилган хизматлар юзасидан хисоб китоблар пул утказиш йули билан уз муддатларида олдиндан утказиш шарти билан амалга оширилади.

3.2. "Буюртмачи" курсатилган хизмат кийматининг камида 50% ни шартнома имзолангандан кейин олдиндан утказиб беради, колган суммани аудит хулосаси олишдан олдин, "Иш бажарувчи"нинг хисоб ракамига утказиб беради.

3.3. Хизматлар киймати "Иш бажарувчи"га тулик утказиб берилгандан сунг аудитор хулосаси бир нусхада "Буюртмачи"га такдим этилади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Шартномада курсатилган моддаларни бажариш муддатини бузганлик учун "Буюртмачи" "Иш бажарувчи"га хар бир кечиктирилган кун учун 0,1% микдорида, лекин шартнома суммасидан 10 % дан ошмаган микдорда жарима тулайди.

4.2. Шартномада курсатилган муддатларда аудит утказишни бажармаганлик учун "Иш бажарувчи" хар бир кечиктирилган кун учун 0,1% микдорида, лекин шартнома суммасидан 10 % дан ошмаган микдорда жарима тулайди.

4.3. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Фукаролик Кодекси, "Аудиторлик фаолияти тугрисида"ги хамда "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги конунлари билан тартибга солинади ва аудиторлик риски умумий хажмдан уч фоизгача килиб белгиланади.

4.4. Зарур холларда иккинчи томон келишуви билан тузилган билдиришнома ёки далолатнома оркали иш хажмини инобатга олган холда, аудиторлик хизмати муддатлари узайтирилиши мумкин.

4.5. Шартнома тузилгандан сунг шартномани бир томонлама бекор килиш, бошка бир томонни икки ой олдин ёзма равишда огохлантирилади, кайси бир томон айби билан шартнома бузилса, келишилган шартнома суммасини 10 % микдорида айбдордан жарима ундириб олинади.

4.6. Шартнома шартларини ижро этишда форс-мажор вазиятлари вужудга келган такдирда, томонлар узаро мажбуриятлардан озод этилади.

## *Y. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ*

5.1. Шартнома бажарилиши юзасидан турли эътироз ва келишмовчиликлар дустона хал булмай колган такдирда, амалдаги Узбекистон Республикаси Конунчилиги асосида хал этилади.

## *VI. КУШИМЧА ШАРТЛАР.*

6.1. Агар нархлар узгарса ёки утказилаётган аудит даврида иш хажми ошса, унда аудит хизмати тулови икки томон келишуви асосида кушимча узгаради.

6.2. "Иш бажарувчи" томонидан аникланиб бартараф килинган ва "Буюртмачи" га ушбу аникланган хато ва камчиликлар юзасидан солик идоралари томонидан кулланилиши лозим булган жарима кийматидан 10 фоизи микдоригача "Иш бажарувчи" га мукофот тарикасида тулаши мумкин.

6.3. Агар "Буюртмачи" такдим этилган аудит хисоботидаги тузатишларга солик органларига кушимча хисобот кундирмаслан ёки ташки фойдаланувчиларга хисоботлар такдим этилган такдирда, "Иш бажарувчи" ушбу молиявий йил учун масъулиятдан тулик озод этилади.

6.4. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси "Буюртмачи"да, иккинчи нусхаси эса "Иш бажарувчи"да сакланади.

## *VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ*

**"ИШ БАЖАРУВЧИ"**

**МЧЖ "MEZON AUDIT PERFECT"AT**

Фаргона шахри, Ал-Фаргоний кучаси, 122-а уй.
ТИФ "Миллийбанк" Фаргона вил. филиали
х/р 20 208 000 804 366 678 001
МФО 00493 ИНН 205 292 894
ОКЭД 69202
Тел. +99897 595-99-63, +99891 657-99-63.

Директор ______ Салиев И.А.
(имзо) (Ф.И.О.)

**"БУЮРТМАЧИ"**

"OMONXONA" M.CH.J

Манзил: SURXONDARYO VILOYATI, BOYSUN TUMANI, INKABOD MFY
Банк: "AGROBANK" ATB BOYSUN FILIALI
Х/р: H/R: 2021 2000 0047 8272 0007
МФО: 00331
ОКЭД:
ИНН: STIR: 207 000 804
Тел: +998 9... 45

Рахбар: SH. ERNAZAROV
(Ф.И.О.)

Шартноманинг хукукий ...

Ушбу шартнома Узбекистон Республикасининг ... 670-I-сон "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги конуни асосида тузилди.

Хукукшунос